

Modern Journal of Social Sciences and Humanities
ISSN: 2795-4846 Vol. 5 (2022)
https://mjssh.academicjournal.io/index.php/mjssh



БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА САМАРҚАНДДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Маманов Меҳриддин
Шароф Рашидов Номидаги, Самарқанд Давлат Университети Магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро амирлиги даврида Самарқандда маданий ҳаёт илм-фан ривожланиши ёритилган. Шунингдек масжид ва мадрасалар фаолияти хақида маълумот берилади. Мадрасаларда ўқитилган дарсликлар ва ўқитиш тизими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Схоластика, Аъламиён, Шамсия, қорихона, Шайх ул-ислом, Самарканд, Бухоро, Мутаваллибоши, мударрис.

Бухоро амирлиги даврида Самарқандда илм-фан ривожланишдан тўхтамади, шаҳар амирликнинг йирик маданий маркази сифатида мавқеини сақлаб қолди.

XIX аср биринчи ярмида Самарқанд шаҳри аҳолисининг қарашлари ва маданий ҳам ижтимоий ҳаётига муҳим таъсир ўтказа олган илм ва фан вакиллари, зиёлилар қатлами анъанавий таълим масканлари ҳисобланган мактаб ва мадрасаларда тарбияланган. Самарқанд ва унинг атрофларидаги ҳудудларда 155 та масжид ва 22 та мадраса фаолият олиб борган. Мазкур муассасалар ҳалқни ислом ақидалари ва тушунчалари ҳамда ҳукмрон синф манфаатларига мос ғоялар асосида тарбияловчи масканлар эди. Яъни, бир сўз билан айтганда мазкур диний ва маориф масканлари жамиятда ислом аҳкомлари ва дин вакиллари орқали ҳукмрон доираларни ўз ҳукмларини аҳоли орасида мустаҳкамлаш қуроли сифатида фаолият юритиб борар эдилар.

XIX аср биринчи ярми давомида дин вакиллари тазйиқи ва дастлаб амир Хайдар, кейинчалик амир Насрулло даврида ўз даврининг илғор кишилари шоира Нодира, Бухоро мадрасаси мударриси Хожибой, Қози Абусаид Самарқандий, бойсунлик мударрис Худойберди, гиждувонлик мударрис Фозил ва бошқалар қатл этилган.

Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳудудида анъанавий мадраса, қорихона, хонақо ва далойилхоналар каби таълим масканлари бўлиб, улар ёшлар ва катта авлод вакиллари маънавияти ва ахлоқий тарбиясини оширувчи масканлар вазифасини бажарган.

Мадрасаларда дунёвий илмлардан кўра, диний илмларга, хусусан шариат ақидаларига кенг ўрин берила борди. Ислом асосларини, шариатни, фиқҳни билишнинг ўзи етарли, деган чекланган қараш мадрасаларда ҳам ўрин ола бошлайди. Схоластика, китобийлик, мутассиблик кучаяди, таълим тизимида турғунлик, айтиш мумкинки, сукутлик (регресс) тамойили етакчилик қилади[1]. Самарқанд мадарсалари фаолиятида ҳам юқорида келтирилган вазият ҳукм сурган.

Самарқандда XIX асрда фаолият юритган мадрасалар биноларининг аксарияти XV-XVIII асрларда бунёд этилган. Мадрасалар таъминоти йирик вақф мулклари ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Самарқанддаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақфлардан йилига 7600 сўм даромад олинган[2].

Самарқанд мадрасалари давлат ҳисобидан ташкил этилган бўлмаса-да, уларнинг фаолиятини

[1] Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: "Ўқитувчи", 1999. – Б. 9.
[2] Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

назорат қилиш, бошқариш ва таъминлашни мустаҳкам механизми мавжуд бўлган. Бу тизим асрлар давомида такомиллашиб борган. Бироқ, XIX аср шароитида таълим масканлари фаолиятини назорат қилиш бўйича шаклланган механизм жамият ва давр талабига жавоб бермай қолган эди.

Мадрасалар назорати мусулмон диний ҳокимият вакиллари – Шайх ул-ислом ва қозилар томонидан амалга оширилган. Махсус – хўжалик ишлари бўйича назорат аъламиён ва мутаваллибоши (бош мутаваллий) зиммаларига юклатилган. Аъламиён ҳукумат томонидан тайинланиб, пойтахт ва вилоятларда жойлашган мадрасаларнинг ўқув ва моддий томонларини назорат қилган ҳамда хон ғазнасидан белгиланган маош олган. Бу лавозим амирлик ва хонликларда бўлган. Мутаваллибоши ҳоким қароргоҳи бўлган ҳар бир шаҳарда жорий этилиб, туманлардаги мутаваллийлар фаолиятини назорат қилиш унинг зиммасига юклатилган. Ҳар бир мутаваллийга тасарруфидаги вақф мулкларидан тушган даромаднинг 10/1 қисми маош сифатида ажратилган[3].

Мадраса бошлиғи сифатида барча фанлар ўқитилишини назорат қилувчи мударрис тайинланган. Мударрис юқори босқич талабаларига ва унинг бошчилигида ёрдамчи-муқаррирлар қуйи босқич талабаларига дарс берганлар. Мударрис фақат мадрасадаги ўқув жараёнига масъул бўлиб, вақф мулкларининг бошқарувига аралашиш ваколатига эга бўлмай, фақат мадраса эҳтиёжлари ҳақида мутаваллийга ахборот бериши мумкин эди[4].

Ўқув дастурлар асосини ислом ҳуқуқшунослиги, араб тили грамматикаси ташкил қилган. Фанларнинг кўп қисми диний билимлардан иборат бўлиб, фалсафа, геометрия, математика, география, тиббиёт, кимё каби фанлар ҳам ўқитилган[5]. Е.Н.Павловский маълумотига кўра мадрасаларда тарих, физика, табиат фанларидан қисқа ва умумий маълумотлар ҳам берилган[6].

Ўрта Осиё мадрасаларининг ўқув дастурлари асосан ўрта асрларда шаклланган эди. Машғулотлар олиб боришга мўлжалланган адабиётлар ислом оламининг кўп асрлик маданиятини ўзида акс эттирар эди. Мисол учун, “Шамсия” (формал мантиқ китоби) ва унга шарҳлар – XIII асрда, “Ақоид” – мусулмон дин ақидаларини баён этувчи китоб – XII асрда, “Мантиқ Таҳзиб” – мазмунида юнон фалсафасининг арабча талқинини ўзида мужассам этувчи диалектика китоби – XVI асрда, Шариат – Қуръон ва муқаддас ривоятлар асосида баён қилинган диний, фуқаролик, жиноий ва бошқа давлат, жамият қонун қоидалари ҳамда хусусий ахлоқ меъёрлари тўплами VIII-IX асрларда тузилган[7].

Мактаблар ва умуман, таълим муассасаларининг ички ва ташқи муҳити амирлик, жумладан Самарқанд вилояти ва шаҳри аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ва турмушига хос эди. Яъни, асарлар давомида фаолият юритаётган таълим масканлари аввало ислом дини ақидалари ва аҳоли турмуш-тарзининг жиҳатларини ўзида мужассам этиб борган. Натижада жамиятда кечаётган илғор ривожланиш ҳодисалари, барқарор сиёсий муҳит ва ўзаро урушлар барчаси таълим муассасалари фаолиятида ўз аксини топиб бораверган.

Кенг аҳоли дунёқараши ва маданий тушунчалари, албатта, таълим орқали шаклланади. Шу сабабли, Самарқанд аҳолисини, бинобарин, бутун амирлик аҳолисининг дунёқараши таълим масканларида берилган илм асосида шаклланган. Манбалар таҳлили асосида таълим дастурларини асосий қисмини ислом дини билан боғлиқ илмлар ташкил этишини аниқлаш билан биргаликда таъкидлаш мумкинки, аҳоли дунёқарашининг асосини ислом доирасида тушунча ва илмлар ташкил этган. Албатта, баъзи ҳолларда чет таълим муассасаларида ёки ўз

---

[3] Ирисқулов О.Ж. XIX асрда Самарқанд маданий ҳаёти // Тафаккур. - Тошкент, 2018. - № 3. - Б.90-91.

[4] Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6.

[5] Мухиддинов, С. И. (2018). ТУРКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ ВА МОДЕРН МАОРИФ ТАРИХШУНОСЛИГИ. In *Молодой исследователь: вызовы и перспективы* (pp. 475-479).

[6] Ирискулов О.Ж. Традиционная система образования в культурной жизни Самарканда во второй половине XIX века // Вестник Таджикского педагогического института (г. Панжикент), 2019. - № 1. – С.278-282.

[7] Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг.– Москва: «Наука», 1960. – С. 53-54.

интилишлари натижасида дунёвий билимларни эгаллаган шахслар мавжуд эди. Лекин, бу айрим ҳолатлар бўлиб, умумий хулосалар бериш имконини бермайди.

Лекин шунга қарамасдан, кўпгина иқтидорли талабалар Абдурахмон Жомеъ, Хожа Хофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирза Бедил ва бошқа шу каби буюк алломалар асарларига қизиқиш билан ёндашганлар. Ўз даврида бу каби талабалар қаторида Шавқий Каттақурғоний, Мужрим Обид, мулла Қурбонжон Хиромий, Музтари Мирий ва бошқалар бўлишган. Улар ўзларининг ижодларида буюк алломалар асарларидаги фикрларни акс эттиришга ҳаракат қилганлар. XIX аср биринчи ярмида Самарқандда Абдурахмон ибн Мухаммад Латиф Мустажир Самарқандий каби тарихчи олимлар ҳам яшаб ижод қилган.

Амирликда, шу жумладан, Самарқанд шаҳрида ҳам билимларни энг яхши тарқатувчиси бўлган китоб нашр этиш иши яхши йўлга қўйилмаган эди. Илмли бўлган, китоб қадрини билган шахслар томонидан шахсий коллекцияларда китоблар сақланган. Ундан ташқари, мазкур тоифа кишилари китобларни қайта кўчиртириш ишларини ҳам ташкил этганлар.

Таъкидлаш жоизки, XIX асрда Самарқанд Алишер Навоий асарларини тарғиботида муҳим роль уйнаган. Мисол учун, 1824-1825 йилларда ҳаттот Мир Абдулхай шоирнинг “Хазинаи ул-маоний” асарини шарқона услубда қайта кўчирган. Яна бир ҳаттот мулла Муқимхон 1849-1850 йилларда усталик билан унинг “Хамса”сини қайта кўчирган[8].

Навоийнинг “Махбубул қулуб”, “Чаҳор девон” каби дунёга машҳур, ўзбек адабиётининг дурдона асарлари ҳам XIX аср биринчи ярмида қайта кўчирилиб, кенг ўқувчилар орасида тарқатилган эди. Ундан ташқари, Машраб, Хувайдо, Сайқалий, Шавқий, Амири Ғоибий ва бошқа шу каби машҳур адабиёт намоёндаларининг асарлари қайта кўчирилган ва ўқувчилар орасида тарқалганлиги ҳақида маълумотларни ҳам учратиш мумкин[9].

XIX аср биринчи ярмида нодир қулёзмаларни тўплаш ва қайта кўчириш ишлари ҳам кенг ривожланган. Ҳаттот Абдужаббор Найман Самарқандий Абу Ханифанинг “Ал фиқх ал-акбар” (Катта ҳуқуқшунослик) асарини, мулла Абулфайз Самарқандий Мирза Қурбон Хиромийнинг “Чор дарвеш” достонини қайта кўчирдилар. Илғор фикрловчи ҳаттотлардан мулла Мирза Мухаммад Охун ибн Один Мухаммад Самарқандий, мулла Сайид Абдулвахоб Самарқандий. Мухаммад Нуриддин ибн Мухаммад. Олим Самарқандий, Мухаммад Рофеъ ибн Шайх Мухаммад Солиҳ Самарқандий, Мухаммад Юсуф Самарқандий, Мухаммад Ёқуб Самарқандийларни номини келтириш мумкин[10].

Албатта, юқорида келтирилган маълумотлар Самарқандда илм-фан соҳасида қилинаётган катта ишлардан дарак беради. Лекин, XIX аср ўрталарида Самарқанд шаҳрида мавжуд таълим масканлари ва уларда таълим олаётган ёшлар сонига нисбатан мазкур ишлар хажман кичик эди. Яъни, айтиш мумкинки, мадрасаларда таълим олувчилар учун замонавий билимлар мажмуини, ўтмиш аждодлар илмий меросини ўзида акс этувчи адабиётлар етишмаслиги муаммоси мавжуд эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 9.
2. Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

[8] Yakubova, M. (2021). Lighting of the natural scientific spheres of Turkestan in the studies of german travelers. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, *1*(1), 66-78.

[9] Ирисқулов О.Ж. Традиционная система образования в культурной жизни Самарканда во второй половине XIX века // Вестник Таджикского педагогического института (г. Панжикент), 2019. - № 1. – С.278-282.

[10] Muxiddinov, S. (2019). Study process of Samarkand madrasahs between the end of XIX and beginning of XX centuries. *The Light of Islam*, *2019*(2), 4.

3. Ирисқулов О.Ж. XIX асрда Самарқанд маданий ҳаёти // Тафаккур. - Тошкент, 2018. - № 3. - Б.90-91.
4. Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6.
5. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон.: Мерос, 1994. – Б.60;
6. Исмаилов Ш.Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.. – Ташкент, 1981. – С. 15.
7. Ирискулов О.Ж. Традиционная система образования в культурной жизни Самарканда во второй половине XIX века // Вестник Таджикского педагогического института (г. Панжикент), 2019. - № 1. – С.278-282.
8. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг.– Москва: «Наука», 1960. – С. 53-54.
9. Yakubova, M. (2021). Lighting of the natural scientific spheres of Turkestan in the studies of german travelers. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, *1*(1), 66-78.
10. Ирискулов О.Ж. Традиционная система образования в культурной жизни Самарканда во второй половине XIX века // Вестник Таджикского педагогического института (г. Панжикент), 2019. - № 1. – С.278-282.
11. Muxiddinov, S. (2019). Study process of Samarkand madrasahs between the end of XIX and beginning of XX centuries. *The Light of Islam*, *2019*(2), 4.
12. Мухиддинов, С. И. (2018). ТУРКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ ВА МОДЕРН МАОРИФ ТАРИХШУНОСЛИГИ. In *Молодой исследователь: вызовы и перспективы* (pp. 475-479).
13. Tursunkulovich, R. S. (2021). The social composition of immigrants from the russian empire to Turkestan;-Late 19th century-early 20th century. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(8), 21-26.